

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **31-32-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(323-324)**
ТЎПЛАМИ **2008 й.**

**июль-
август**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

294. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 30 июлдаги ўРҚ-164-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

295. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 июлдаги ПФ-4016-сон Фармони

296. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сон қарори
297. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 июлдаги ПҚ-933-сон қарори

Учинчи бўлим

298. «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 160-сон қарори
299. «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарори
300. «Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган синов лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 162-сон қарори
301. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узок муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги 163-сон қарори
302. «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарори
303. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори
304. «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори

Бешинчи бўлим

307. «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 августда 1840-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

308. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 июлдаги 79-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 августда 1841-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
309. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 июлдаги 81, 16/3, 2008-36-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 августда 1105-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 26 июлдан 8 августгача бўлган маълумот

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

294 «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 17 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «яратиш» деган сўз чиқариб ташлансин;
2) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «чиқаришда» деган сўз «қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноат мулки объектининг патенти саноат мулки объекти устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди»;

олтинчи — саккизинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **6-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар қандай соҳада:

маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар хужайраларининг турларига);

усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади»;

5) **13-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни руҳсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 31 июлда эълон қилинган.

ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади»;

б) 18-модда:

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ихтиро» деган сўз «саноат мулки объекти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат мулки объекти устуворлиги олдин топширилган бир нечта талабнома ёки уларга доир қўшимча материаллар асосида бу талабномалар ва қўшимча материалларга нисбатан ушбу моддада белгиланган шартларга риоя қилинган ҳолда белгиланиши мумкин»;

учинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) 20-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказилади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга. Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда, кўрсатилган муддат ўтганидан кейин, лекин Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилгунигача қадар тақдим этилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган санадан кейин кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда тегишинча талабнома ҳужжатларига аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини кўриб чиқиш зарурлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб кўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томони-

дан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб кўпи билан ўн икки ой ичида топширилиши мумкин.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исталган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги ёки фойдали модель ва саноат намунаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома ёки фойдали модель ҳақидаги талабнома материалларида давлат сирларини ташкил қилган маълумотлар мавжуд бўлса, бундай талабнома бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинган патент бериш ҳақидаги талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди»;

8) қуйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси кўриб чиқиш учун қабул қилинган ихтиро ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгунга қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли. Ихтиро ҳақидаги талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқиш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади»;

9) **22-модданинг:**

учинчи қисмидаги «патент беришни рад этиш ҳақида қарор чиқарилиб» деган сўзлар «Патент идораси патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб» деган сўзлар «Патент идораси фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **23-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23-модда. Ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти

бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Илтимоснома талабнома топширилаётганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи келиб тушган илтимосномалар ҳақида Патент идораси томонидан хабардор қилинади.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома уч йиллик муддатда келиб тушмаган тақдирда, ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш ҳақидаги талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат бузилган тақдирда, талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг ёки муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланган саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилиқ шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, Патент идораси патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин»;

11) қуйидаги мазмундаги **23¹-модда** билан тўлдирилсин:

«23¹-модда. Ихтиронинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси

Ихтирога ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган санага қадар вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган бўлса ёки ушбу талабнома бўйича Патент идораси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят бериш имконияти тугаган бўлса, вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза юз бермаган ҳисобланади.

Ихтиродан унинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида фойдаланаётган шахс ихтирога патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига кўра унга миқдори патент эгаси билан келишув асосида белгиланадиган пул товони тўлаши шарт»;

12) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «уч ой» деган сўзлар «ўн кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **27-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат мулки объекти патентнинг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасида бўлади»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи — бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

14) қуйидаги мазмундаги **28¹-модда** билан тўлдирилсин:**«28¹-модда. Саноат мулки объекти патентнинг амал қилишини тиклаш**

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентнинг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил муддат ичида, бироқ патентнинг ушбу Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Патент идорасига топширилиши мумкин.

Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Саноат мулки объекти патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинади.

Саноат мулки объекти патентнинг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда саноат мулки объектидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик кўрган шахс ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирмаган ҳолда саноат мулки объектидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади»;

15) **36-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат сирларини ўз ичига олмайдиган ихтиролар ва фойдали моделларни бошқа давлатларда патентлаш тегишли талабнома Патент идорасига топширилган кундан эътиборан уч ой ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин»;

16) **38-моддадаги** «яратиш» деган сўз чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 июль,
ЎРҚ-164-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

295 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ–1213-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сонли қарорига мувофиқ ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими татбиқ этилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ–1213-сонли Фармонининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига оид 8-банди 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 июль,
ПФ–4016-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**296 Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнاتини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи сифат жиҳатдан янги механизмни жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг:

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очик-равшан механизмни татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузурда тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Васийлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

гуруҳ раҳбарлиги учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;
ёзма ишларни текшириш учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун — энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самарадорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-хунар кўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 июль,
ПҚ-929-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**297** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Индонезия Республикаси Ҳукумати ўртасида 2008 йил 13 май куни Тошкент шаҳрида имзоланган Савдо ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 июль,
ПҚ-933-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

298 Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, унинг субъектларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг 2011 йилдан бошлаб:

қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтлари фаолиятини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни кучайтиришни, ҳисобга олиш тизимини соддалаштиришни, шунингдек қимматли қоғозларга оид битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатишни такомиллаштиришни;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг дастурий-техник таъминотини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришни, электрон ҳужжат айланишини кенг қўлдан жорий этишни ва ундан фойдаланишни;

жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларга оид операцияларда, шу жумладан қимматли қоғозларнинг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олди-сотди операцияларида иштирокини соддалаштиришни;

қимматли қоғозлар бозори маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлайдиган Қимматли қоғозлар бозорининг Ягона дастурий таъминот комплексини (кейинги ўринларда матнда Ягона дастурий таъминот комплекси деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси ва «Элсис-клиринг» ҳисоб-китоб-клиринг палатаси билан биргаликда бир ой муддатда, ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг босқичлилигини, унинг сифат ва хавфсизлик стандартларига мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирларини, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида илғор ахборот технологияларини қўллаш соҳасида мутахассислар тайёрлашни назарда тутувчи Ягона дастурий таъминот комплексини жорий этиш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлашлар.

3. Белгилансинки:

Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси Ягона дастурий таъминот комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг мувофиқлаштирувчиси ва буюртмачиси ҳисобланади;

Ягона дастурий таъминот комплекси Қимматли қоғозлар марказий давлат де-

позитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси, «Элсис-клиринг» ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, иккинчи даража депозитарийлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг бошқа манфаатдор профессионал иштирокчиларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилади ва жорий этилади;

Ягона дастурий таъминот комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун маблағлар қимматли қоғозлар бозорининг манфаатдор ташкилотлари ўртасида тузиладиган оддий ширкат шартномаси доирасида Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси томонидан махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Ягона дастурий таъминот комплексининг ўз вақтида жорий этилиши юзасидан назоратни таъминласинлар.

4. «Тошкент» республика фонд биржаси акциядорларининг унинг устав фондини 1 млрд сўмгача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банкларига қўшимча равишда чиқарилган акцияларни харид қилиш йўли орқали «Тошкент» республика фонд биржаси устав фондини кўпайтиришда белгиланган тартибда иштирок этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, ушбу биржанинг устав фондидаги давлат улушини 26 фоизгача етказган ҳолда, қўшимча равишда чиқарилган акцияларни иштирокчи акциядорлар учун жойлаштириш нархидан ошмайдиган нарх бўйича харид қилиш йўли билан «Тошкент» республика фонд биржаси устав фондини кўпайтиришда иштирок этсин.

5. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази инвестиция институтлари бирлашмалари, «Тошкент» республика фонд биржаси ҳамда рейтинг агентлари билан биргаликда қимматли қоғозлар бозори амалиётига қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларини рейтинг баҳолаш ҳамда уни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги молия-иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига қимматли қоғозлар ва корпоратив бошқарув бўлимлари киритилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази икки ой муддатда:

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлари тизими тўғрисидаги;

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини ички назорат қилиш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
160-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**299 Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-илова мувофиқ;

Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
161-сон

* 3-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорига
1-ИЛОВА

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини экспертизадан ўтказишга оид ишларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш — экспертиза буюртмачиси билан тузилган шартнома асосида бошқа баҳолаш ташкилоти томонидан ўтказиладиган баҳолаш ташкилотини баҳолаш бўйича ҳисоботларни текшириш;

экспертизанинг бажарувчиси — баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган, шартнома асосида экспертиза ўтказиш учун жалб қилинадиган баҳолаш ташкилоти;

таҳлилий экспертиза — қиймат турининг баҳолаш мақсадларига мувофиқлигини, баҳолашда фойдаланилган маълумотларнинг асосланганлигини, методологиянинг мақбуллигини, ҳисоб-китобларнинг аниқлигини ва баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш учун ўтказиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида амалга ошириладиган экспертиза;

дала шароитида ўтказиладиган экспертиза — таҳлилий экспертизани, шунингдек баҳолаш объектига чиқиб баҳоланадиган мол-мулкни текширишни ва, зарурият бўлганда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумотларни тасдиқлаш учун мол-мулкнинг қиёсланадиган объектларини текширишни ўз ичига оладиган экспертиза;

эксперт хулосаси — баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмунига, ўтказилган тадқиқотлар сифати ва умуман баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигига нисбатан шарҳлар билан биргаликда экспертиза натижаларини акс эттирадиган ҳужжат.

3. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги экспертизадан (кейинги ўринларда «экспертиза» деб юритилади) ўтказилиши предмети ҳисобланади.

4. Экспертиза қуйидагилар юзасидан тақдим этилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлиги текширилишини таъминлайди:

фойдаланилган маълумотлар ва олинган маълумотномаларнинг асосланганлиги;
қўлланилган методлар ва баҳолаш усулларининг асосланганлиги;

ҳисоб-китобларнинг аниқлиги;

таҳлил, фикрлар ва хулосаларнинг асосланганлиги;

тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги.

5. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдаги исботловчи аҳамиятига эга бўлган маълумотлар аynи бир вақтда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

тегишлилик — баҳолаш объекти билан баҳолаш тартиб-қоидаси унинг восита-

сида амалга ошириладиган маълумотлар сифат ва миқдор тавсифларининг алоқадорлиги мавжудлиги;

йўл қўйилиши мумкинлиги — маълумотлар ишончли тасдиқланадиган манбалардан олинishi керак;

ишончлилиқ — исботлар билан аниқланадиган маълумотлар буюртмачи ва экспертиза натижаларидан бошқа фойдаланувчилар уларни холисона ҳақиқатга мувофиқ деб баҳолаши мумкин бўлган тарзда, яъни ҳақиқатда юз берган тегишли ҳолатлар билан исбот қилиниши керак;

етарлилиқ — маълумотлар қўшимча ахборот манбаларини жалб этмасдан ва баҳолаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрмасдан улар ёрдамида олинадиган натижаларни тўлиқ ва холисона талқин қилиш имконини беради.

6. Экспертиза буюртмачи, баҳолашнинг бошқа истеъмолчилари ва баҳолашни ўтказган баҳолаш ташкилоти ўртасида баҳсли вазиятлар пайдо бўлган тақдирда ёки бошқа ҳолатларда ўтказилади.

7. Экспертизани ўтказган баҳолаш ташкилоти такрорий (ўз) баҳосини амалга оширмасдан ва баҳолаш объекти қийматини ўз ичига олган ўз хулосасини чиқармасдан баҳолаш тўғрисидаги ушбу ҳисоботнинг ишончлилигини аниқлайди.

8. Баҳолаш ташкилотини илгари ушбу баҳолаш ташкилоти томонидан бажарилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг экспертизасига жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот экспертизасига баҳолаш тўғрисидаги ушбу ҳисоботни тузишда олдин иштирок этган баҳоловчи жалб этилиши мумкин эмас.

+

II. Экспертиза ўтказиш учун асос

-

9. Экспертизани бажарувчи (кейинги ўринларда «бажарувчи» деб юритилади) билан экспертизанинг буюртмачиси (баҳолаш хизматлари истеъмолчиси) ўртасида тузилган шартнома (шартномада ўтказиладиган экспертиза тури кўрсатилиши керак) экспертиза ўтказиш учун асос ҳисобланади.

10. Экспертизани ўтказишда экспертиза буюртмачиси ёхуд бошқа манфаатдор шахсларнинг бажарувчи фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.

III. Экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Экспертиза буюртмачиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
экспертизани ўтказиш масалалари бўйича бажарувчидан маслаҳатлар ва зарур методик ёрдам олиш;

экспертиза предметига нисбатан таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришларни бажарувчига тақдим этиш;

бажарувчидан экспертизани ўтказишнинг бориши тўғрисидаги ахборотни олиш;
экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Экспертиза буюртмачиси қўйидагиларга мажбурдир:
экспертиза ўтказилишининг тўлиқлигини таъминлайдиган материалларни экспертизага тақдим этиш;

шартномада назарда тутилган тартибда экспертиза ўтказилишининг ҳақини тўлаш.

Экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

IV. Бажарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Экспертиза ўтказишда бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экспертиза буюртмачисидан баҳолаш объекти ва баҳолаш объектини баҳолаш ўтказилиши билан боғлиқ ҳужжатлардан фойдаланиш таъминланишини талаб қилиш, шунингдек ундан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тушунтириш ва қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслардан экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни сўраш. Агар кўрсатиб ўтилган ахборотни тақдим этиш рад этилиши экспертизанинг ҳаққонийлигига таъсир кўрсатган тақдирда баҳоловчи буни эксперт хулосасида кўрсатади;

баҳоловчилар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда экспертизани ўтказишда қатнашишга жалб этиш;

агар буюртмачи шартнома шартларини бузган, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ахборот тақдим этилишини таъминламаган ёхуд шартномага мувофиқ иш шароитларини таъминламаган ҳолларда экспертиза ўтказишни рад этиш.

Бажарувчи қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Бажарувчи экспертизани ўтказишда қуйидагиларга мажбурдир:

экспертизани ўтказиш тартиби ва шартларига риоя қилиш;

буюртмачининг талабига кўра экспертизани ўтказишга шартнома тузилиши олдидан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни, баҳоловчи (баҳоловчилар)нинг малака сертификатини тақдим этиш;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолисона экспертиза ўтказишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар пайдо бўлиши оқибатида экспертизани ўтказишда ўзининг иштирок этиши мумкин эмаслиги тўғрисида буюртмачига хабар қилиш;

буюртмачининг сўрови бўйича баҳолаш фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

экспертиза ўтказиш давомида олинадиган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

мол-мулкнинг эгасига ва (ёки) буюртмачига экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлар томонидан зарар етказилиши, шунингдек қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида хабар бериш;

ўтказилган экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосалари нусхалари баҳолаш ташкилотига уч йил мобайнида сақланишини таъминлаш;

экспертиза ўтказиш давомида буюртмачидан олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш.

Бажарувчи қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

V. Экспертиза ўтказишга қўйиладиган талаблар

15. Экспертиза таҳлилий ёки дала шароитида ўтказиладиган экспертиза шаклида ўтказилади.

16. Таҳлилий экспертизани ўтказишда бажарувчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотдан фойдаланиб қуйидагиларни текшириши шарт:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

баҳолаш объектига мавжуд ва баҳоланадиган ҳуқуқлар тавсифининг етарлилиги;

баҳоланадиган қиймат мақсадлари ва турининг баҳолашни ўтказиш ҳақидаги шартнома шартларига ва баҳолаш натижаларидан келажакда фойдаланишга мувофиқлиги;

баҳолашни ўтказишда қабул қилинган йўл қўйишлар ва чеклашларнинг қонунийлиги (қонун ҳужжатларига мувофиқлиги) ва ҳаққонийлиги (амалдаги ҳолатларга мувофиқлиги);

баҳолаш объектига тегишли бўлган бозор тавсифи ва типик харидорлар тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги;

ишончли натижага эга бўлиш учун нарх ҳосил қилувчи омиллар жамини, шу жумладан баҳолаш объектининг жойлашган жойи, очиқ бозорда баҳолаш объекти экспозициясининг ўртача бозор даврини ҳисобга олиш;

баҳолаш объекти қийматининг тегишли турини аниқлаш учун баҳоловчи томонидан баҳолаш стандартлари қўлланилишининг асосланганлиги;

ҳуқуқий, бозорга оид, молиявий, техник ахборотлар ва бошқа ахборотлардан ҳамда уларни олиш манбаларидан фойдаланиш асосланганлиги;

маҳсус атамалар, баҳоловчининг асослаши ва хулосалари мавжудлиги ва тушунтиришнинг тўлиқлиги;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалардаги мавжуд зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжудлиги ва тўлиқлиги;

ҳаражатли, қиёсий ва даромадли ёндашувлар қўлланилишининг тўғрилиги, шунингдек ҳар бир ёндашув доирасида баҳолаш методларини танлаш ва қўллашнинг тўғрилиги, улардан фойдаланишни асослаш (фойдаланишни рад этиш);

баҳолашга турлича ёндашувлар билан ҳисоб-китобларни келишишнинг боадаб-лилиги;

ҳисобот тузилмаси ва уни расмийлаштириш сифати;

ҳисоб-китобларда фойдаланилган маълумотларнинг бирламчи маълумотларга ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар хил бўлимларида ва унга иловаларда келтирилган бошқа маълумотларга мувофиқлиги.

17. Дала шароитида ўтказиладиган экспертизада бажарувчи экспертизани ушбу Низомнинг 16-банди талабларига мувофиқ ўтказиш, шунингдек:

баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган маълумотларга идентификациялайди;

баҳолаш объектининг физик ҳолатини текширади;

баҳолаш объекти тавсифлари зарур тарзда ўлчанишини амалга оширади;

зарурият бўлганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган маълумотларни тасдиқлаш учун қиёсланадиган объектларни текширади.

18. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ҳаққоний ёки ҳаққоний эмас деб эътироф этиш экспертиза натижаси ҳисобланади.

19. Қўйидаги омиллар (ҳолатлар)дан ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлганда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончли эмас деб эътироф этилади:

ҳисобот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас;

ҳисобот баҳолаш ўтказиш ҳақидаги шартнома талабларига мувофиқ эмас;

баҳолашнинг мақсади баҳолаш натижаларидан келгусида фойдаланишни акс эттирмайди;

баҳоловчи томонидан баҳоланаётган мол-мулк қийматининг тури ноқонуний белгиланган;

ҳисоботни исботловчи аҳамиятга эга бўлган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат сифатида тавсифлаш имкони йўқ;

ўзаро бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирига зид фактлар, маълумотлар, хулосалар, йўл қўйишлар ва уларнинг бир хилда талқин этилмаслиги мавжуд;

баҳолашни ўтказишда фойдаланилган маълумотлар (уларни олиш манбалари) тўғрисида аниқлаштирилган ахборот мавжуд эмас;

ҳисоботда фойдаланиладиган тузатишлар ва/ёки йўл қўйишлар уларни қўллашнинг аён кўриниб турган имкониятлари доирасидан ташқарига чиқади;

ҳисоб-китоблар, формулалар, қўлланилган чегирма ва мукофотлар изчил ва асосланган эмас.

20. Агар баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ тузилган бўлса ва исботловчи аҳамиятли маълумотларга эга бўлса баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончли деб эътироф этилади.

21. Бажарувчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана билан экспертиза ўтказилган сана ўртасида пайдо бўлган қўшимча ахборотни эътиборга олмаслиги керак.

22. Экспертиза натижалари бўйича бажарувчи экспертиза ўтказиш учун тузилган шартномага мувофиқ экспертнинг буюртмачисига бериладиган эксперт хулосасини тузади.

Экспертиза тугаллангандан кейин уч кун муддатда бажарувчи эксперт хулосаси нусхасини бажариладиган баҳолаш ишларининг холислиги ва сифати устидан назорат қилиш учун баҳоловчи фаолиятнинг лицензияловчи органига юборди.

23. Экспертнинг буюртмачиси эксперт хулосасига рози бўлмаган тақдирда ушбу эксперт хулосасини ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни судга юборишга ҳақлидир.

VI. Эксперт хулосасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

24. Эксперт хулосасида қуйидаги мажбурий бўлимлар мавжуд бўлиши керак: 1 бўлим. «Умумий маълумотлар», қуйидагиларни ўз ичига олади:

экспертиза ўтказиш учун асос;

экспертиза предмети (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг номи);

экспертиза тури (таҳлилий, дала шароитида);

экспертиза ўтказилган сана;

эксперт (экспертлар) тўғрисидаги маълумотлар;

ҳисобот тўғрисидаги маълумотлар;

баҳолаш объектини баҳолаш санасида аниқ идентификациялаш имконини берадиган баҳолаш объектининг аниқ тавсифи, юридик шахсга тегишли бўлган баҳолаш субъектига нисбатан эса — юридик шахснинг реквизитлари.

2 бўлим. «Баҳоланадиган объектга чиққан ҳолда баҳоланаётган мол-мулкни текшириш натижалари» (дала шароитида экспертиза ўтказилганда).

3 бўлим. «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги».

4 бўлим. «Ўтказилган экспертиза хулосалари».

Эксперт хулосасининг намунавий шакли мазкур Низомга иловада келтирилган.

VII. Экспертиза ўтказишда бажарувчининг жавобгарлиги

25. Экспертизани ўтказишда бажарувчи ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги, шунингдек баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа тарзда бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг
ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни
ташкил этиш тартиби ҳақида низомга
ЙЛОВА

_____ -сон ҳисобот бўйича эксперт хулосаси

«_____»
(баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг номи)

20__ йил «___» _____

Тошкент шаҳри

1. Умумий маълумотлар

Экспертизани ўтказиш асоси: _____

Экспертиза предмети: _____

Экспертиза тури: _____

Экспертиза ўтказилган сана: 20__ йил «___» _____

Эксперт: Ф.И.О., лавозими, баҳоловчининг малака сертификати тартиб рақами ва унинг берилган санаси _____

20__ йил «___» _____ даги «_____»-сон ҳисобот (кейинги ўринларда Ҳисобот деб аталади) 20__ йил «___» _____ да берилган _____-сон лицензия асосида фаолият кўрсатувчи «_____» баҳоловчи ташкилот томонидан 20__ йил «___» _____ да берилган _____-сон баҳоловчининг малака сертификати эга бўлган баҳоловчи _____ томонидан 20__ йил «___» _____ даги _____-сон Шартнома бўйича _____ мақсадида бажарилган.

(Объектнинг баҳолаш санасида идентификация қилиш имконини берувчи аниқ тавсифи, юридик шахсга тегишли бўлган

баҳолаш объекти бўйича эса юридик шахснинг реқвизитлари)

_____ баҳолаш объекти ҳисобланади.

2. Баҳоланувчи объектга борган ҳолда баҳоланувчи мол-мулкни текшириш натижалари (дала шароитида экспертиза ўтказишда):

Дала шароитида экспертиза ўтказишда қўшимча равишда қуйидагилар аниқланди:
(Сўнгра эксперт томонидан баҳолаш объектига борган ҳолда баҳоланаётган мол-мулкни текшириш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган маълумотларни

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

тасдиқлаш учун мол-мулкнинг таққосланадиган объектларини текшириш натижалари келтирилади)

3. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги

Ҳисоботда қуйидагилар келтирилган: _____

(Сўнгра эксперт томонидан баҳолаш тўғрисида тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига қўйиладиган умумий талабларга риоя қилиниши бўйича мувофиқлиги ҳақидаги хулосалар келтирилади)

Баҳолаш мақсадлари учун Ҳисоботда қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилган:

(Сўнгра эксперт томонидан ҳисоботда Баҳоловчи томонидан у ёки бу баҳолаш ёндашувларидан фойдаланишнинг (ёки фойдаланишни рад этишнинг) асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

Даромад бўйича ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Киёсий ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Харажат бўйича ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи _____ методидан фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)

Жорий этилган чегиришлар ва мукофотлар:

(Ушбу бўлимда эксперт томонидан ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган чегиришлар ва мукофотлар миқдорларини қўллаганликнинг асосланганлиги ва уларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек уларни аниқлашнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

Баҳолашнинг ҳар қайси ёндашуви салмоғини асослаш:

Баҳоловчи _____ (баҳолашда қийматни аниқлашга ёндашувларда фойдаланилган салмоқни белгилаш методидан) фойдаланди.

(Сўнгра эксперт томонидан Баҳоловчи ёндашувларининг салмоғини (коэффициентларини) белгилашнинг асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)

4. Ўтказилган экспертиза хулосалари:

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, 20__ йил «__» _____ даги
«_____» ни баҳолаш тўғрисидаги кўриб чиқилган

(ҳисобот номи)

_____ -сон ҳисобот _____ деб эътироф этилади

(ҳаққоний/ҳаққоний эмас)

Экспертизани ўтказган эксперт _____

Экспертизани ўтказган _____

(имзо)

баҳоловчи ташкилот раҳбари _____

(имзо)

Баҳоловчи ташкилот муҳри _____

Изоҳ: Ушбу эксперт хулосаси фақат илова қилинаётган ҳисоботнинг тўлиқ матнини ҳисобга олган ҳолда, унда мавжуд бўлган барча йўл қўйишлар ва чеклашларни, шунингдек экспертизани ўтказишда фойдаланилган ҳужжатларни эътиборга олиб талқин этилиши мумкин.

+

-

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорига
2-ИЛОВА

Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Баҳолаш объектлари баҳоси бўйича материалларни баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси ишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш — суд органлари томонидан юборилган баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаларни таҳлил қилиш ва тузиш бўйича тадбирлар йиғиндиси;

Комиссия — Баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси;

Комиссия хулосаси — баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳс-

ли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш натижаларидан иборат бўлган ҳужжат;

эксперт — баҳоловчи ташкилот штатида турувчи, экспертлар реестрига киритилган ва эксперт ҳисоботини тайёрлаш учун Комиссия томонидан жалб этиладиган баҳоловчи;

Комиссиянинг эксперт аъзоси — ушбу Низомда назарда тутилган тартибда экспертлар реестридан Комиссия аъзоси сифатида тасдиқланган эксперт;

экспертлар реестри — баҳоловчининг малака сертификатиغا эга бўлган, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Комиссия томонидан танлаб олинган жисмоний шахслар рўйхати.

3. Экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган материаллар илова қилинган ҳолда суд органлари томонидан Комиссияга тақдим этилган экспертиза ўтказиш тўғрисида суд органларининг ажрими баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш (кейинги ўринларда «экспертиза» деб аталади) учун асос ҳисобланади.

II. Комиссия таркиби ва унинг ишларини ташкил этиш

4. Комиссиянинг доимий аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Комиссиянинг эксперт аъзоси экспертлар реестрига киритилган экспертлар орасидан бўлган Комиссиянинг доимий аъзолари томонидан тасдиқланади.

5. Комиссияга Комиссия раиси бошчилик қилади, у:

Комиссия ишларини ташкил қилади;

Комиссия мажлисининг кун тартибини тасдиқлайди;

Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана ва жойни тайинлайди;

Комиссия мажлисларида раислик қилади.

6. Комиссия раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

7. Комиссия аъзолари:

Комиссия ишларида қатнашадилар;

экспертлар реестрига киритиш учун экспертлар номзодларини кўриб чиқади-лар;

экспертларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар;

экспертлар ишлари натижаларини муҳокама қиладилар;

Комиссия қарорларини қабул қилиш тўғрисида овоз беришларда қатнашадилар.

8. Комиссия мажлиси, агар унда аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарори мажлисда қатнашган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзосининг Комиссия қабул қилган қарордан фарқ қиладиган алоҳида фикр-мулоҳазаси Комиссия мажлисининг протоколида акс эттирилади ёки ёзма равишда алоҳида расмийлаштирилади ва у Комиссия мажлиси протоколининг узвий қисми ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади, у Комиссия ишлари бўйича ҳужжатларнинг белгиланган тартибга мувофиқ юритилиши ва сақланишини амалга оширади.

10. Комиссия мажлисларни экспертизадан ўтказиш учун материаллар тўпланишига қараб ўтказилади.

III. Экспертлар реестрига киритиш учун экспертларни танлаб олишни ўтказиш тартиби

11. Экспертлар реестрига киритиш учун экспертларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади.

12. Экспертларни танлов асосида танлаб олиш Комиссия томонидан, талаб қилинадиган экспертлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили камида бир марта амалга оширилади ҳамда қатнашчилар таркиби ва танлов таклифларини бериш шакли бўйича очиқ ҳисобланади.

13. Танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш истагини билдирган экспертлар (кейинги ўринларда «талабгор» деб аталади) учун қуйидаги талаблар белгиланади: баҳоловчи лавозимида камида уч йил иш стажига эга бўлиш;

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун баҳоловчининг малака сертификати тўхтатилганлиги ёки бекор қилинганлиги ҳолларининг мавжуд эмаслиги;

талабгор баҳоловчи ташкилот штатида туриши керак;

талабгор баҳоловчи лавозимида қатнашган ҳар хил турдаги мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги камида йигирмата ҳисоботнинг мавжуд бўлиши.

14. Талабгорлар танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш учун Комиссиянинг ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

танлов асосида танлаб олишда қатнашиш юзасидан буюртманома, унда талабгор эксперт сифатида ишларни амалга ошириш учун тайёр бўлган республика ҳудудлари кўрсатилади;

баҳоловчининг малака сертификати нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

талабгор уларда баҳоловчи лавозимида қатнашган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларга оид маълумотлар.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар танлов бўйича танлаб олиш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга бир нусхада тақдим этилади.

Буюртманомага талабгор томонидан имзоланган тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати икки нусхада илова қилинади.

15. Талабгорларнинг танлов бўйича танлаб олишда қатнашиш бўйича ҳужжатлари Комиссиянинг ишчи органи томонидан танлов бўйича танлаб олишнинг ўтказилиши тўғрисидаги эълон оммавий-ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг иккинчи нусхаси талабгорга ҳужжатлар қабул қилинган кунда, ҳужжатлар қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

16. Танлов бўйича танлаб олиш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда Комиссиянинг ишчи органи томонидан талабгорлардан ҳужжатлар қабул қилиб олинади ва уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги текширилади, шунингдек тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ўрганилади. Комиссиянинг ишчи органи томонидан талабгорларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатлари кейинчалик қарор қабул қилиш учун Комиссияга тақдим этилади;

иккинчи босқичда Комиссия аъзолари ўз мажлисида талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганадилар ва танлов бўйича танлаб оладилар. Танлов бўйича танловдан ўтган талабгорлар Комиссия қарори билан экспертлар реестрига киритиладилар.

17. Танлов бўйича танлаб олиш якунлари Комиссия протоколи билан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг расмий сайтига

жойлаштирилади ва танлов бўйича танлаб олиш натижалари тасдиқланган санадан кейин беш кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

18. Баҳоловчининг малака сертификати амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш ушбу экспертни экспертлар реестридан чиқаришга олиб келади.

IV. Комиссия томонидан экспертиза ўтказилиши ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби

19. Экспертизадан ўтказиш Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг I бўлими 4, 5-бандларига ва V, VII бўлимлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг III ва IV бўлимлари нормалари Комиссияга ва экспертга (экспертларга) татбиқ этилади, экспертизадан ўтказганлик учун тўлов бўйича нормалар бундан мустасно.

20. Суд органларининг экспертизадан ўтказиш юзасидан ҳар бир аниқ мурожаати бўйича баҳоланувчи объектни баҳолаш материаллари олинган санадан бошлаб 3 иш кунни мобайнида Комиссия экспертлар реестрига киритилганлар орасидан экспертни (экспертларни) тасдиқлайди.

Экспертиза объектига ва судда кўриб чиқишда қатнашувчи баҳоловчи ташкилотларга нисбатан мулкӣ ёки бошқа номулкӣ манфаатларга эга бўлган экспертнинг тасдиқланишига йўл қўйилмайди. Бундай манфаатлар мавжуд бўлган тақдирда эксперт бу тўғрида Комиссияга маълум қилиши шарт.

Эксперт томонидан экспертиза объектига ва судда кўриб чиқишда қатнашувчи баҳоловчи ташкилотларга нисбатан унда мулкӣ ёки бошқа номулкӣ манфаатлар мавжудлигини яшириш фактлари аниқланган тақдирда ёхуд эксперт томонидан ўз вазифаларини ноҳалол бажариш ҳоллари аниқланганда мазкур эксперт экспертлар реестридан чиқарилади ва унинг баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатилади.

21. Экспертиза Комиссия томонидан, баҳоланувчи объектларни баҳолаш материаллари Комиссияга тушган санадан бошлаб 30 кун мобайнида ўтказилади.

22. Эксперт (экспертлар) 15 кун муддатда баҳолаш бўйича тақдим этилган материалларни ўрганади ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади.

23. Комиссия ўз мажлисида эксперт (экспертлар)нинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади. Зарурият бўлганда Комиссия ҳисоботни экспертга (экспертларга) пухталаштириш учун қайтаришга ҳақлидир.

24. Комиссия ҳулосаси Комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолаган протокол билан расмийлаштирилади.

25. Комиссия ҳулосасида қуйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

ҳулоса қабул қилинган сана;

экспертизани ўтказиш учун асос;

экспертиза предмети (экспертизага тақдим этилган материаллар рўйхати);

Комиссиянинг ўтказилган экспертиза бўйича ҳулосаси.

26. Ҳулоса тасдиқлангандан кейин Комиссия уч кун муддатда уни ва экспертнинг хизматлари учун тўлов тўғрисидаги маълумотларни тегишли суд органи манзилига жўнатади.

27. Экспертнинг харажатларини қоплаш суд қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**300 Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган синов лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлаш тўғрисида**

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2008 — 2012 йиллар даврида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш асосида сифатли спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастури тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги 26-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзстандарт» агентлигининг «Тошкент шаҳар синаш ва стандартлаштириш маркази» давлат корхонаси ҳузурида Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган синов лабораторияси (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган синов лабораторияси деб аталади) ташкил этилсин.

2. «Ўзстандарт» агентлиги:

ихтисослаштирилган синов лабораториясининг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда уни спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг сертификатлаштириш синовларини ўтказиш имконини берадиган зарур синаш ва ўлчаш асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни;

сотиб олинadиган асбоб-ускуналарни метрологик аттестациядан ўтказиш ва қиёслаш, шунингдек ихтисослаштирилган синов лабораториясини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилиш юзасидан зарур ишларни амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
162-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**301** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматидаги камида 10 календарь йил хизмат қилган ва янги контракт тузган ҳарбий хизматчи учун сотиб олинган квартира ёки қурилаётган якка тартибдаги уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадални ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига тўлашга рухсат берилсин.

3. Белгилансинки, квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуришга улар учун тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан дастлабки бадал тўланаётган ҳарбий хизматчилар давлат ҳисобига уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатларидан чиқарилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 июль,
163-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 31 июлдаги 163-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий
хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан
фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка
тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом камида 10 календарь йил хизмат қилган ва янги контракт тузган уй-жой билан таъминланмаган ёки уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга (кейинги ўринларда «ҳарбий хизматчилар» деб аталади) татбиқ этилади.

3. Ҳарбий хизматчилар томонидан узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ипотека кредити олишда уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинadиган ёки қуриладиган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадал Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда «тегишли вазирликлар» деб аталади) томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига тўланади.

4. Ипотека кредити ҳарбий хизматчиларга хизмат жойи ёки ҳарбий хизмат белгиланган жой (чақирик) бўйича берилади.

5. Ҳарбий хизматчиларга тижорат банклари томонидан ипотека кредити бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарорида назарда тутилган Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

II. Дастлабки бадални тўлаш тартиби

6. Ҳарбий хизматчи квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуриш учун тегишли вазирликдан дастлабки бадални олиш учун ҳарбий қисмнинг турар жой комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

дастлабки бадални олиш учун ҳарбий қисм командири номига рапорт;

оиланинг таркиби тўғрисида турар жойдан маълумотнома;

ҳарбий хизматчининг уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган уй-жой аттестати;

никоҳ тузилганлиги ва болалар туғилганлиги тўғрисидаги (болалар бўлса) гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

ҳарбий хизматчининг пул таъминоти ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг иш ҳақи, доимий иш жойи бўйича (доимий иш жойи бўлган тақдирда) кейинги 12 ой учун амалга оширилган чегирмалар миқдори тўғрисидаги маълумотнома ёки яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган ўша давр учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари;

календарь бўйича ҳисоблаб чиқилган узоқ муддатли хизмат тўғрисидаги маълумотнома;

ҳарбий қисм командирининг контракт тузилганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма.

7. Ҳарбий қисмнинг турар жой комиссияси 10 кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини текширади.

Ҳарбий хизматчи учун дастлабки бадални тўлаш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда турар жой комиссиясининг қарори зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда икки кун муддатда тегишли вазирликнинг марказий турар жой комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади.

Дастлабки бадални тўлашнинг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ҳарбий қисмнинг турар жой комиссияси қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун муддатда сабабларини кўрсатиб, ҳарбий хизматчини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

8. Тегишли вазирликнинг марказий турар жой комиссияси томонидан бир ҳафта муддатда ҳарбий қисм турар жой комиссиясининг қарори ва унга илова қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича икки нусхада баённома тузилади. Баённоманинг ҳар иккала нусхаси марказий турар жой комиссиясининг раиси имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Тегишли вазирликнинг марказий турар жой комиссияси баённомасининг бир нусхаси барча ҳужжатлар илова қилинган ҳолда текшириш, умумлаштириш ва дастлабки бадални тўлаш учун пул маблағлари ажратиш тўғрисида тегишли вазирликнинг раҳбари буйруғи лойиҳасини тайёрлаш учун икки кун муддатда тегишли вазирликнинг квартиралардан фойдаланиш органига юборилади.

9. Тегишли вазирлик раҳбарининг буйруғи асосида ушбу вазирликнинг квартиралардан фойдаланиш органи ҳарбий хизматчига тилхат билан дастлабки бадал тўланганлиги тўғрисида кафолат хати беради.

Тегишли вазирликлар томонидан дастлабки бадални тўлаш пул маблағларини ҳарбий хизматчининг банкда очилган махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан, ҳарбий хизматчи томонидан кредит шартномаси тузилгандан кейин, амалга оширилади.

III. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби

10. Ҳарбий хизматчиларнинг аризаси ва тегишли вазирликларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига илтимосномаси бўйича ҳарбий хизматчиларга ажратиладиган уй-жой ўрнига уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун бепул асосда ер участкаси белгиланган тартибда берилиши мумкин. Ер участкасини ўзлаштириш даврида ҳарбий хизматчилар ва унинг оила аъзоларига икки йилгача бўлган муддатда хизмат квартираси сақлаб қолинади.

Уй-жой шароитларини яхшилаш ўрнига ҳарбий хизматчиларга уларнинг ариза-си бўйича, белгиланган тартибда ер участкаси берилиши мумкин.

11. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарориди белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

12. Квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуришга ўзлари учун тегишли вазирликлар томонидан дастлабки бадал ўтказилган ҳарбий хизматчилар давлат ҳисобига уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатларидан чиқарилади.

13. Ушбу Низомга мувофиқ ипотека кредити олган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ҳарбий хизматдан бўшатишган ҳарбий хизматчилар тегишли вазирликлар томонидан тўланган бадалнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда индексация қилиш йўли билан қайта баҳоланган суммасини қайтардилар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

14. Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ёки хизмат вазифаларини бажаришда оғир тан жароҳатлари олиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда қайтарилмаган кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли вазирликнинг раҳбари қарори асосида вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

302 Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 1 — 3-иловаларга мувофиқ базавий лавозим маошлари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йил 1 сентябргача олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича зарур тушунтириш ишларини ва ташкилий ишларни амалга оширсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 ойи якунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг 2009/2010 ўқув йилидан бошлаб кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:12,5 этиб босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 1 август,
164-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар
таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий
лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
1. Кафедра мудири:		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	365810	349444
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	349444	336058
илмий даражага эга бўлмаган	336058	322600
2. Профессор:		
фан доктори илмий даражасига эга бўлган	349444	336058

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Лавозимлар номи	(сўм)	
	Базавий лавозим маошлари миқдори	
фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	336058	322600
илмий даражага эга бўлмаган	322600	306679
3. Доцент:		
илмий даражага эга бўлган	322600	306679
илмий даражага эга бўлмаган	306679	290938
4. Катта ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	306679	290938
илмий даражага эга бўлмаган	290938	275549
5. Ассистент, ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	275549	260288
илмий даражага эга бўлмаган	260288	245258
6. Ўқитувчи-стажер	229655	

Изоҳ:

1. Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

3. Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидан бўлган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

профессор — 322600 сўм;

доцент — 306679 сўм.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

Лавозимлар номи	(сўм)	
	Базавий лавозим маошлари миқдори	
	I гуруҳ	II гуруҳ
1. Ректор:		
академик бўлган	412729	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	395962	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	379285	365810
2. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор		
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	365810

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
	I гуруҳ	II гуруҳ
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	349444	336058
3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор:		
профессор ёки фан доктори бўлган	357223	343733
доцент ёки фан номзоди бўлган	343733	330181
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	330181	316609
4. Филиал директори:		
академик бўлган	395962	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	365810
5. Филиал директорининг ўринбосари:		
профессор ёки фан доктори бўлган	365810	365810
доцент ёки фан номзоди бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
6. Декан:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
7. Декан ўринбосари:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	336058	336058
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	322600	322600
8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи	134144	125545

Изоҳ:

Ушбу иловада назарда тутилган базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтларда, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига
ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари
МИҚДОРИ**

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори
1. Ҳисоблаш марказлари муҳандислари:	
1-тоифали	108758
2-тоифали	100841
тоифасиз	93244

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

(сўм)	
Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори
2. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари концертмейстерлари:	
етакчи концертмейстер	266802
концертмейстер	237472
3. Илмий котиб	125545
4. Ишлаб чиқариш таълими устаси	100841

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорига
4-ИЛОВА

Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ–926-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Давлат бюджетдан ёки аралаш тарзда маблағ билан таъминланадиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.

3. Олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошини, шунингдек қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

II. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари

4. Олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари: олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари; ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

5. Профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари: штатдаги лавозимга; илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

6. Олий таълим муассасалари раҳбарларининг базавий лавозим маошлари олий таълим муассасаси мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасаси киради.

Иккинчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси киради.

7. Раҳбарлар таркибига олий таълим муассасасининг ректори, проректори, декани, декан ўринбосари, олий таълим муассасаси филиалининг директори, директор ўринбосари лавозимларидаги шахслар киради.

8. Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимидагилар киритилади.

Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, тажриба орттирувчи ўқитувчи лавозимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ эгалланади.

9. Базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби штат жадвалларини тасдиқлашда ушбу лавозимлар бўйича лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажы, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олий таълим муассасаси раҳбари томонидан белгиладиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

10. Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.

Базавий лавозим маошини ўзгартириш олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий лавозим маошлари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

12. Ходим олий таълимнинг битта муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий лавозим маоши ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгиладиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

III. Устамалар ва қўшимча тўловлар

13. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан белгиланган тартибда тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

14. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва тариф бўйича лавозим маошига нисбатан фоишларда ҳисобланадиган қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа турлари миқдори ушбу Низом кучга кирган вақтдан бошлаб базавий лавозим маошига нисбатан фоишларда ҳисобланади.

IV. Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари

15. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

штатдаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбай ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга мувофиқ бажарилган ўқув ишлари учун; белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқа раҳбар ходимларга;

бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

16. Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

V. Олий таълим муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш

17. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Йиллик шахсий иш режаси ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий тусдаги асосий тадбирлар рўйхатини, тадбирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда, ўз ичига олади.

Йиллик шахсий иш режаси 1540 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламаси лавозимлар (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр) бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**303 Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сон Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 1,2 барабар оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда 1 — 3-иловаларга мувофиқ 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Директор жамғармаси маблағлари:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, икки ҳафта муддатда Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда:

махсус комиссиянинг ҳуқуқлари ва масъулияти, унинг мажлисларини ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби;

ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнат фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамаларнинг аниқ миқдорларини белгилаш тартиби;

Директор жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш тартибини ва бунинг учун мансабдор шахсларнинг масъулияти;

махсус комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бошқа масалалар белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ой муддатда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Уларда:

педагог ходимлар касб малакасини, билим даражасини ва педагогик маҳоратини баҳолашнинг улар малакаси ҳолисона баҳолалишини таъминловчи мезонларини такомиллаштириш, шунингдек педагогнинг ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг малака даражаси ёмонлашган тақдирда белгиланган лавозимни ёки тоифани пасайтириш;

педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра лавозимни ёки малака тоифасини ошириш (пасайтириш);

ўқитувчилар лавозимига фақат олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган ходимлар қабул қилинадиган тартибни белгилаш;

лавозимга тайинлаш ёки малака тоифаси бериш учун зарур бўлган энг кам стаж муддатларини белгилаш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази:

2008 йил 1 сентябргача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш юзасидан, айниқса жойларда зарур тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширсин;

ҳар бир йил яқунларига кўра, очиқлик ва ошкоралик шартларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини тайёрлаш даражаси, уларни ишга жойлаштириш ёки уларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши бўйича рейтинг баҳолалишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2008-2009 йиллар мобайнида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг барча педагог ходимларини, ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказсин ҳамда унинг натижаларига кўра ходимларга тегишли малака тоифаларини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил яқунлари бўйича мажлисида ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси (Р.С. Қосимов), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мониторинг асосида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва баъзилари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 1 август,
165-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари
педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
базавий тариф ставкалари
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Номи	(сўм)	
		Академик лицей ўқитувчиси	Касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси
1.	Бош ўқитувчи	218690	206578
2.	Етакчи ўқитувчи	206578	194649
3.	Катта ўқитувчи	194649	182266
4.	Олий маълумотли ўқитувчи	182266	170179
5.	Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи	170179	159003

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бошқа педагог
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1.	Маданият ва санъат академик лицейлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари концертмейстерлари	182266	170179	159003	147891	137176
2.	Олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчиси	162934	152162	142274	132447	122967
3.	Касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси	х	153427	142743	х	х
4.	Академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг психологи, тарбиячиси, методисти	153427	142743	132440	122545	113057
5.	Спорт коллежи тренер-ўқитувчиси, олимпия захиралари коллежи инструктор-методисти	143602	134144	125545	117002	108758
6.	Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўгарак раҳбари	х	128705	118408	108518	99065
7.	Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг концертмейстерлари	125545	117002	108758	100841	93244

Изоҳ. Малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарига касб-ҳунар коллежларида базавий тариф ставкалари 132440 сўм миқдорида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари
раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
базавий тариф ставкалари
МИҚДОРЛАРИ**

(сўм)

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари			
		I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1.	Директор	340754	323264	306166	289209
2.	Директорнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари	323264	306166	289209	272509
3.	Чақирилувгача тайёргарлик раҳбари	218690	206578	194649	182266
4.	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	182266	170179	159003	147891
5.	Касб-ҳунар коллежининг катта устаси	161101	150146	139410	128705
6.	Касб-ҳунар коллежи ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси мудири	118408	118408	118408	118408

Изоҳ. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълимнинг ихтисослик йўналишлари бўйича бўлим мудирлари базавий тариф ставкаларининг миқдорлари бўлимда таълим олаётган ўқувчилар контингентидан келиб чиққан ҳолда белгилади:

150 нафардан 300 нафаргача — 108518 сўм.

301 нафардан 450 нафаргача — 118408 сўм.

541 нафардан 600 нафаргача — 128705 сўм.

601 нафар ва ундан ортиқ — 139410 сўм.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши:

бюджет ташкилотлари учун қўлланиладиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга

ошириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат бошқаруви органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимларининг иш ҳақи базавий тариф ставкасини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

II. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари)

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг лавозим маошлари:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланадиган базавий тариф ставкалари;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари:

ходимнинг лавозимиغا;

ходимнинг малака тоифасига;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги жадвалга биноан ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг типи	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Академик лицей	851 нафар ва ундан ортиқ	651 — 850	401 — 650	400 нафаргача
Касб-хунар коллежи	1051 нафар ва ундан ортиқ	751 — 1050	451 — 750	450 нафаргача

4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланадиган талабларга, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари лавозимларининг малака тавсифларига мувофиқ ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари белгиланади.

Педагог кадрлар лавозимларига тайинлаш юқорида кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Спорт бўйича тренер-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш нормативлари, уларнинг иш ҳақини ҳисоблаш тартиби, спорт коллежлари ва олимпия захиралари коллежларининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича хизматчилари лавозимларининг малака тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган низомларга мувофиқ белгиланади.

5. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкасини ўзгартириш:

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда;

ходим ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида бошқа лавозимга ўтганда; ходимнинг лавозими ёки малака тоифаси ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда) амалга оширилади.

Базавий тариф ставкасини ўзгартириш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги фармонлари муносабати билан базавий тариф ставкалари ўзгарган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини ўзгартириш тўғрисидаги қўшма буйруғи чиқарилади.

6. Ходим ўрта махсус, касб-хунар таълимининг бир муассасасида бошқа лавозимга ўтган тақдирда ва шу муносабат билан базавий тариф ставкаси ўзгарганда меҳнат шартномаси ўзгариши тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари қўлланилади (VI боб, 3-§).

7. Олий ёки ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги умумтаълим, умумий касб ва махсус цикллар педагогик лавозимларига қабул қилишга йўл қўйилмайди.

8. Олий таълим муассасаси бакалавриятининг охириги курсида ўқиётган шахслар педагогик ишини амалга оширишга қўйилиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

III. Устамалар ва қўшимча тўловлар

9. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун Директор жамғармасидан тўланадиган, тегишли лавозим ёки малака тоифасидаги ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгиланади.

10. Базавий тариф ставкасига қўшимча тўловларнинг қуйидаги турлари белгиланади:

гуруҳ раҳбарлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

ёзма ишларни текшириш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ўқув ва лаборатория кабинети мудирлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Кўрсатиб ўтилган қўшимча тўловлар ушбу қўшимча тўловларни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағларидан амалга оширилади.

11. Ушбу Низом кучга кирган вақтда амалда бўлган ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга устама ҳақлар сақланиб қолади ва уларнинг миқдори ходимнинг базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

IV. Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари

12. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

кетма-кет икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда;

бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг педагогик иши учун;

ўрнини босиш тартибида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари томонидан ўтилган ўқув соатлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

14. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг раҳбар ходими томонидан асосий лавозимнинг бир йилда 360 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкласи юритилишига) йўл қўйилади.

V. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш

15. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатини нормалаштириш шахсий йиллик иш режаларига асосланган.

Йиллик иш режаси ўқув, ўқув-методик, илмий, илмий-методик, ташкилий-методик, ташкилий-педагогик ва маънавий-маърифий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

Ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси бир йилдаги 1540 соат миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг йиллик иш режаси 40 соатлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, у ўқув юкласининг назарий ва амалий компонентлари, ишлаб чиқариш таълимини, тарбиявий ишларни амалга ошириш учун материаллар қисмини тайёрлаш бўйича тақсимлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш вақти нормативлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланади.

16. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун яқка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Йиллик (семестр) иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбари томонидан амалга оширилади.

17. Шахсий йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарияти ўқитувчининг ўқув юкламаси соатлари ҳажмини умумий белгиланган нормативларга нисбатан камайтириши ёки кўпайтириши мумкин. Бунда ўқув юкламасининг белгиланган нормативларига тузатиш киритиш ҳажми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган намунавий режадагига нисбатан камайтириш ёки кўпайтириш томонга 30 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

18. Алоҳида ҳолларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ходимнинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек ўзининг асосий иши билан биргаликда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши иш вақтининг нормал давом этиш муддатининг 50 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

19. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ва ишлаб чиқариш таълими устаси йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг бошқа коллегиял органи мажлисида ҳар йили камида бир марта ҳисобот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, профессионал тайёргарликни рағбатлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига, ўқувчиларда профессионал кўникмалар шаклланишига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, касб маҳорати ва малака ўсишини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси (кейинги ўринларда «Директор жамғармаси» деб юритилади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этилади.

Мазкур Низомнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ўрта махсус, касб-хунар

таълими муассасаларига Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари киради.

3. Директор жамғармаси маблағлари:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг фақат юксак касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифати ошишига аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилашга;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатишга (алоҳида ҳолларда) йўналтирилади.

4. Рағбатлантириш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун туман, шаҳар, вилоят ва республиканинг энг иқтидорли ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари илғор тажрибасини ва фаолияти самарадорлигини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тавсия этилади.

II. Директор жамғармасини шакллантириш тартиби

5. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларда белгиланган тартибда назарда тутилган бюджет ажратмалари Директор жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

6. Директор жамғармаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ташкил этилади (имкониятлари чекланган ва жисмоний ривожланишида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда эса — 25 фоиздан ортиқ эмас).

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори молия йили учун Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида назарда тутилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга бюджет харажатлари ҳажмидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори республиканинг барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўйича ягона ҳисобланади.

7. Директор жамғармасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоизлардаги миқдори Давлат бюджети қабул қилингандан кейин, ташкилотларга улар харажатларининг белгиланган ҳажмини улар эътиборига етказиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Молия вазирлигининг қўшма хати билан барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, вазирликлар (идоралар) ва молия органларига етказилади.

8. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари таъминотига харажатларнинг сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг тегишли органи молия органига белгиланган тартибда ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бўйича ушбу харажатларга фоиз нисбатида белгиланган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланган Директор жамғармаси маблағларини ажратиш кўрсатган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари йиллик ҳажмини тақдим этади.

9. Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси таъминоти харажатлари сметасида назарда тутилади, улар 01100 «Иш

ҳақи» моддасига киритилади, 01130 «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари» бюджет классификацияси коди бўйича сметага ҳисоб-китобларда алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади.

10. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар, мукофотлар ҳамда моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш белгиланган тартибда молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади.

11. Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланадиган белгиланган устамалар, бир йўла бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам суммаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижтимоий суғуртасига маблағ ўтказилади. Жисмоний шахсларнинг Директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**III. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига
устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими
муассасалари ходимларига бир йўла бериладиган мукофотлар
тўлаш ва моддий ёрдам бериш тартиби**

12. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Бунда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг юқори ва ҳудудий бошқарув органларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар фаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашувига йўл қўйилмайди, Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия таркиби ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарининг буйруғи билан, камида етти кишидан иборат этиб тасдиқланади ва унга қуйидагилар киради:

директор — комиссия раиси;

директорнинг ички мониторинг ташкил этилиши учун масъул бўлган ўқув ишлари бўйича ўринбосари — комиссиянинг масъул котиби;

педагогик кенгаш томонидан тайинланадиган педагогик жамоанинг камида икки нафар вакили;

касаба уюшмаси ташкилоти раиси;

васийлик кенгаши вакили;

ота-оналар қўмитасининг вакили.

14. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар бериш ва моддий ёрдам кўрсатиш

очик муҳокама қилиш шароитларида ва Директор жамғармасида назарда тутилган маблағлар доирасида махсус комиссиянинг мажлисларида қабул қилинади.

Махсус комиссия мажлислари ярим йилда камида бир марта, истисно ҳолларда эса заруриятга кўра ўтказилади. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг олдинги ўқув давридаги (семестр, ўқув йили) ишини баҳолаш яқунлари бўйича ҳамда айрим ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари иш сифатидаги аниқланган ўзгаришлар асосида белгиланган устамалар миқдорлари махсус комиссиянинг қарори билан қайта кўриб чиқилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгиланган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари сони бир вақтнинг ўзида улар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

IV. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига белгиланадиган устамалар, бир йўла бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам миқдори

15. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига базавий тариф ставкасининг 40 фоизи миқдоридagi ҳар ойлик устамалар:

касб маҳорати ва ўқув жараёнига шахсий ҳисса қўшганлиги, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда чуқурлаштирилган ихтисосли табақалаштирилган ўқитишдаги юксак самарадорлик ва сифат учун, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган тегишли гуруҳлар ва ўқув фанлари учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари билан белгиланган билимлар ва кўникмаларнинг зарур ҳажми ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига қараб, тарбиявий жараённинг, аудиториядан ташқари ишларнинг сифати ва уни амалга ошириш самарадорлигига боғлиқ равишда улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялашга шахсан қўшган аниқ ҳиссаси учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига;

ўқувчиларнинг профессионал майллари, малака ва кўникмаларини ривожлантирганлик учун, тегишли гуруҳлар учун Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари билан белгиланган профессионал билим ва кўникмаларнинг тўлиқ ҳажми ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасига қараб, улар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий ва аудиториядан ташқари иш ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялашга шахсан қўшган аниқ ҳиссаси учун касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталарига белгиланади.

16. Директор жамғармаси маблағларидан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига устамалар миқдори ўқувчиларнинг ўзлаштирилишига, уларнинг профессионал малака ва кўникмаларни эгаллаш даражасига, уларнинг таълим стандартларига мувофиқлигига, шунингдек ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши сифатига боғлиқ бўлган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичлари асосида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузуридаги ўрнатилган кўрсаткичларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

17. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбар ходимларига, шунингдек ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга ошираётган ўқитувчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

18. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси ҳисоби-га ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилида олдинги ўқув йили иш якунлари бўйича белгиланади ва ҳар бир ўқув семестри якунлари бўйича қайта кўриб чиқиши мумкин.

19. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг айрим ўртак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий хиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Мукофотлаш ўқув юрти иш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилади.

20. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси касаб-ушмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо).

21. Махсус комиссиянинг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам бериш тўғрисидаги қарорлари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғи чиқарилади.

V. Директор жамғармаси маблағларининг сарфланишини назорат қилиш

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Директор жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширади.

23. Устамаларни белгилаш учун тақдим этилган маълумотларнинг холислиги, ошқоралиги ва тўғрилиги ҳамда уларни белгилаш тартибига риоя қилиниши учун махсус комиссиялар раҳбарлари жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартириш киритилаётган ёки 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорларининг 23-бандидаги «ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шaroитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 20 август-

даги 409-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 29-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 августдаги 327-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 375-сон қарорининг охириги хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

304 Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Хорижий давлатлар фуқароларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг таълим ва фан соҳасидаги халқаро шартномаларини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек жамоавий ва яқка тартибдаги (шу жумладан, келиш мақсадидан қатъи назар, республикага ҳақиқий визалар бўйича келган хорижий фуқаролар билан тузилган) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда олдиндан экспертизадан ва рўйхатдан ўтказиладиган шартномалар ва контрактлар асосида амалга оширилади;

хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича барча ишларни ташкил этиш, ўқув-методик раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш умумтаълим мактабларида — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан, бошқа таълим муассасаларида — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади;

хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ҳамда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тартибда қабул қилинади.

2. Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва таълим муассасаларига эга бўлган бошқа манфаатдор вазирликлар ва

идоралар билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқиганлик учун тўлов миқдорлари ва тартибини, 2008/2009 ўқув йилига хорижий фуқароларнинг олий таълим муассасаларида ўқиганлиги учун тўлов миқдорини ўқитишнинг реал харажатларидан келиб чиқиб, 2 минг АҚШ долларидан 4 минг АҚШ долларигача миқдорда белгилашни назарда тутган ҳолда, тасдиқлаш учун киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитиш юзасидан намунавий шартнома (контракт)ларга ўн кун муддатда зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар;

хорижий фуқаролар учун тил марказларининг зарур даражада ишлаши юзасидан доимий назорат ўрнатсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида» 1994 йил 4 майдаги 266-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 4 август,
169-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 4 августдаги 169-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси
таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилайди.

2. Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш «Таълим тўғрисида»ги Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Хорижий фуқароларни ўқитиш умумтаълим мактаблари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган, бошқа таъ-

лим муассасалари бўйича — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган таълим муассасаларида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида хорижий фуқароларни ўқитиш тегишли таълим муассасаларининг таълим дастурларида назарда тутилган тилларда олиб борилади.

5. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича барча ишларни ташкил этиш, ўқув-методик раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан, бошқа таълим муассасаларида — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

II. Ўқишга қабул қилиш тартиби, шартлари ва ўқитиш турлари

6. Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш:

а) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки экспертизадан ва рўйхатдан ўтказиладиган жамоавий ва шахсий шартномалар ҳамда контрактлар (шу жумладан, келиш мақсадларидан қатъи назар, республикага ҳақиқий визалар бўйича келган хорижий фуқаролар билан тузилган) асосида амалга оширилади.

7. Хорижий фуқаролар хоҳишларига кўра:

умумий ўрта маълумот;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий маълумот;

олий таълим муассасасидан кейинги таълим олишлари мумкин.

8. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ҳамда, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тартибда қабул қилинади.

9. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

10. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига умумий ўрта таълим маълумотига мувофиқ бўлган маълумотга эга бўлган хорижий фуқаролар қабул қилинади.

11. Олий ўқув юртлигига умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига мувофиқ бўлган маълумотга эга бўлган хорижий фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

12. Хорижий фуқаролар олий ўқув юртлигига кириш тест синовлари натижаларига кўра қабул қилинади.

Хорижий фуқароларнинг тест синови топшириши учун рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилади.

Тест синовлари натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хорижий фуқароларни олий ўқув юртига ўқиш-

га қабул қилиш юзасидан қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарори асосида олий ўқув юртлари ўқишга қабул қилиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқарадилар.

13. Ўзбекистон Республикасининг аспирантураси ва докторантурасига олий маълумотга мувофиқ бўлган маълумотга эга бўлган хорижий фуқаролар қабул қилиниши мумкин.

Аспирантурага кирувчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларга мувофиқ тайёрланган реферат ёки эълон қилинган ишларининг расмий равишда тасдиқланган рўйхатини тақдим этишлари керак.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртманомасига биноан, белгиланган тартибда хорижий фуқароларга визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек уларнинг вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтказишни ва унинг муддатини узайтиришни таъминлайди.

15. Ўқишни тугатгандан кейин хорижий фуқароларга маълумоти тўғрисида белгиланган намунадаги тегишли ҳужжатлар берилади.

16. Хорижий фуқаролар ўқиш даврида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шартномалар ва контрактларда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига оила аъзолари ва бошқа қариндошлари билан келишлари мумкин.

17. Ўқиш учун келган хорижий фуқаролар тиббий текширувдан ўтадилар. Тиббий текширувдан ўтиш тартиби ва мавжудлиги аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун рухсат берилмайдиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

III. Ҳужжатларнинг рўйхати ва уларни тақдим этиш тартиби

18. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тегишли таълим муассасасига куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ўқишга қабул қилиш ҳақида ариза;

ўрганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари ва нотариал тасдиқланган нусхалари;

реферат ёки эълон қилинган ишларнинг расмий равишда тасдиқланган рўйхати (аспирантурага кирувчилар учун);

соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса;

миллий паспорт (амалдаги визаси билан) ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;

4 х 6 см ўлчамдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йўриқномага мувофиқ белгиланади.

IV. Тайёрлов ўқуви

19. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига, аспирантурага, адъюнктурага, докторантурага ўқишга киришни хоҳловчи, ўзбек ёки рус тилини билмайдиган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тегишли муассасаларда ўқитилади. Ўзбек ёки рус тилини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўрганган хорижий фуқароларга ўқишга кириш учун йўлланмалар уларнинг тилни билишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда баҳоланганидан кейин берилади.

20. Умумтаълим мактабларига ўқишга кираётган хорижий фуқаролар, зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, ўқиётган жойида тил ўрганиш бўйича тайёргарлик курсини ўтайдилар.

21. Тил ўрганиш бўйича тайёргарлик тугагач имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган хорижий фуқароларга белгиланган намунадаги гувоҳнома (сертификат) ва ўқишга йўлланма берилади. Ўқиш даврида зарур умумтаълим билимларини эгаллай олмаган ва тил ўрганишга бўлган лаёқатини намоеён қила олмаган хорижий фуқароларга ўқиш учун йўлланма берилмайди ҳамда улар рўйхатдан чиқарилади.

V. Ўзбекистон Республикасида таълим олаётган хорижий фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22. Хорижий ўқувчилар куйидаги ҳуқуқларга эга:
кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларида, талабаларнинг илмий жамиятлари ва тўғарақларида қатнашиш;

таълим муассасаларининг кутубхоналари, спорт комплекслари, клублари ва маданият саройларидан фойдаланиш;

дам олишнинг уюштирилган турларида қатнашиш.

23. Хорижий ўқувчилар куйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиш, маҳаллий урф-одат ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, республикада хорижий фуқароларнинг бўлиши ва ҳаракатланиши бўйича белгиланган қоидаларни бажариш;

интизомга риоя қилиш, машғулотларга қатнашиш, ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ўқув ва ишлаб чиқариш ишларининг барча турларини бажариш, имтиҳон ва синовларни белгиланган муддатларда топшириш;

таълим муассасасининг ва талабалар ётоқхонасининг ички тартиб-қоидаларини бажариш;

таълим муассасаси раҳбарларининг кўрсатма ва фармойишларини бажариш.

24. Ўқишда ўзлаштирмаслик, интизомни, таълим муассасаси ва талабалар ётоқхонасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга кўра хорижий ўқувчиларга нисбатан таълим муассасаси рўйхатидан чиқариб юборишга ча бўлган маъмурий чоралар кўрилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганлик учун улар белгиланган тартибда республикадан ташқарига чиқариб юборилади.

Ўқиш учун келган хорижий фуқароларнинг зарур маблағлари бўлмаган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш бўйича харажатлар тегишли таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

25. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган хорижий фуқаролар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида

назарда тutilмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка тортилади.

26. Ўқишни тугатган ёки таълим муассасалари рўйхатидан ўчирилган хорижий фуқаролар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши шарт, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, шунингдек жамоавий ва шахсий шартномалар ҳамда контрактларда назарда тutilган ҳолатлар бундан мустасно.

27. Таълим муассасаларида ўқув йили 2 сентябрдан бошланади. Таътилларнинг бошланиш ва тугаш вақти, уларнинг давом этиш муддати муайян таълим муассасасининг ўқув режаларига мувофиқ белгиланади.

VI. Хорижий фуқароларни ушбу Низом билан таништириш тартиби

28. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган хорижий фуқаролар мазкур Низом билан таништирилиши ва улар Низом талабларини бажариши тўғрисида ўз мажбуриятларини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

—

+

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**307 Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
4 августда 1840-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 14 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 12 майдаги 01/06-01-сонли «Баҳоловчи ихтисослигини олишлари учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказишга оид низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 26 май, рўйхат рақами 1244 — Меъёрий ҳужжатлар ахборот-номаси, 2003 й., 9-10-сонлар);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 01/19-18/05-сонли «Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2007 йил 2 март, рўйхат рақами 1660 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сонлар, 91-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 16 июль,
01/19-18/09-сон

Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитасининг
2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисида
Н И З О М**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда)га мувофиқ баҳоловчининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини бериш, муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Баҳоловчининг малака сертификати (кейинги ўринларда матнда малака сертификати деб юритилади) жисмоний шахсга, агарда у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турса ёки баҳоловчи ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Малака сертификати 5 йиллик муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатларга узайтирилиши мумкин.

2. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги келадиган йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда матнда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади) томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича 40 соатдан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқиши шарт.

3. Малака сертификатини олиш учун талабгор бўлган жисмоний шахс (кейинги ўринларда матнда талабгор деб юритилади) малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда, унга Давлат мулки қўмитаси томонидан мазкур Низом қоидаларига мувофиқ малака сертификати берилади.

II. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

4. Малака сертификатини олишга талабгор қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга ҳамда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги беш йилда камида бир йил иш стажига эга бўлиш;

ёхуд олий маълумотга ҳамда сўнгги беш йилда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида икки йил иш стажига эга бўлиш.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади;

б) Давлат мулки қўмитаси томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган дастур бўйича баҳоловчилар тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаслиги керак.

Баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгорлар баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга қўйиладилар.

5. Малака сертификатини олиш учун талабгор Давлат мулки қўмитасига 1-иловага мувофиқ малака имтиҳонини топшириш учун рухсат бериш тўғрисидаги аризани унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

а) 2-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

б) паспорт нусхаси;

в) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёхуд хорижда ўқишни битирганлиги тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга тенг деб топилганлиги (нострификация қилинганлиги) тўғрисида (хориждаги таълим муассасасида олинган олий маълумотга эга бўлса) ваколатли давлат органининг гувоҳномасини нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) 4 х 6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

е) баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаси ва уни берган муассасанинг ушбу сертификат ҳақиқий эканлиги тўғрисидаги хати (талабгорнинг ўқув курсини тугаганлиги тўғрисидаги сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт) ёки баҳоловчининг халқаро сертификатининг мазкур сертификатни берган муассаса томонидан ёки нотариал тасдиқланган нусхаси;

ж) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Ҳужжатлар талабгор томонидан Давлат мулки қўмитасига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилиши мумкин.

7. Давлат мулки қўмитаси ариза тушган кундан бошлаб уч кунлик муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

8. Қўйидаги асосларга кўра талабгор малака имтиҳонига киритилмайди:

а) мазкур Низомнинг 4-банди талабларига жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда ва лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этганда;

в) тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда;

г) суд тартибида молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки ушбу соҳада муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Мазкур ҳолатда Давлат мулки қўмитаси талабгорни имтиҳонга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу куннинг ўзида ариза берувчига ёзма равишда асосланган рад жавобини юборади.

9. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилган шахслар рўйхати имтиҳон комиссиясига тақдим этилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, ҳужжатлар тушган кундан бошлаб икки ойда камида бир маротаба ўтказилади.

10. Имтиҳон комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 10 кун олдин хабардор қилинадилар.

12. Малака имтиҳонига қўйилмаган талабгор малака имтиҳонига қўйилмасликка сабаб бўлувчи камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

13. Талабгор унинг шахсини тасдиқловчи паспорти ёки бошқа ҳужжатини кўрсатган ҳолда малака имтиҳонига қўйилади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлмаган, ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар имтиҳонга қўйилмайди ва у келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади.

14. Агарда талабгор Давлат мулки қўмитасига ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур бўлимда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Малака имтиҳони талабгорларни гуруҳларга бўлган ҳолда компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали ўтказилади.

16. Тест саволлари вариантлари ва уларнинг жавоблари Давлат мулки қўмитаси томонидан, баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари ва ўқув марказлари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланган баҳоловчиларнинг ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволлари мазмуни соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига ҳамда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига қараб мунтазам равишда такомиллаштириб борилади.

17. Тест дастури камида 75 та саволдан иборат бўлиб, ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттириши керак.

Тест натижалари ижобий деб топилиши учун тўғри жавоблар миқдори берилган саволлар миқдорининг камида 80 фоизини ташкил этиши керак.

18. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ёки бошқа материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш;

б) уяли алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

в) бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

г) имтихон ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш. Хонадан чиққанлар қайтадан имтихонга қўйилмайди.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтихонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтихонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

19. Малака имтихонини топшириш жараёнида имтихон жавобларини ажратилган вақт ичида тўлиқ беришга улгурмаган талабгорлар малака имтихонидан ўтмаган деб ҳисобланадилар.

Малака имтихонидан ўтмаган талабгорларга улар томонидан тўланган йиғим пули қайтарилмайди.

Малака имтихонидан ўтмаган талабгор малака имтихонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун йиғим тўлаш шарти билан белгиланган тартибда такроран имтихондан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли, бунда малака имтихони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтган бўлиши керак.

20. Имтихон натижалари имтихон комиссияси томонидан малака имтихони ўтказилган кундан сўнг уч кунлик муддатда баённома билан расмийлаштирилади.

21. Тест жавоблари ҳамда имтихон комиссиясининг баённомалари белгиланган тартибда Давлат мулки қўмитасида сақланади.

III. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби

22. Малака имтихони натижалари Давлат мулки қўмитасининг буйруғи билан тасдиқланади.

23. Малака сертификати мутахассиснинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкда 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эгадир.

24. Малака сертификатининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Малака сертификатининг бланкалари Давлат мулки қўмитаси буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

25. Малака сертификати Давлат мулки қўмитаси томонидан имтихон комиссияси баённомалари олингандан кейин 10 кун муддатда расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёки бошқа шахсга (нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома асосида) баҳоловчилар реестрига имзоси қўйилгач белгиланган тартибда берилади.

26. Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштириш кунидан бошлаб уч ой ичида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий бош тортса Давлат мулки қўмитаси мазкур сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда талабгорларга улар томондан тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

IV. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби

27. Малака имтихони натижалари бўйича малака имтихонидан ўтмаган деб тан олинган талабгорлар малака имтихони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь куни мобайнида Давлат мулки қўмитасига апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

Давлат мулки қўмитаси бир ҳафта муддатда берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчига ёзма хабар юборади.

28. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

а) имтихон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

б) апелляцияга берган шахс учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида.

29. Имтихон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) апелляция ушбу Низом талабларига тааллуқли бўлмаса;

б) апелляция кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

30. Такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган шахсга нисбатан малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳоллари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

31. Давлат мулки қўмитаси томонидан апелляция берган талабгор учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран малака имтиҳони ўтказилади.

32. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

33. Давлат мулки қўмитасининг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

V. Малака сертификатини амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби

34. Малака сертификати эгаси мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига камида уч ой қолганда Давлат мулки қўмитасига малака сертификати муддатини узайтириш тўғрисида 1-иловага мувофиқ ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) 2-иловага мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

б) баҳоловчининг малака сертификатининг асл нусхаси;

в) малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридagi йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

35. Малака сертификати муддатининг узайтирилиши мазкур Низомнинг 34-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва малака сертификатининг эгаси малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати мазкур сертификатнинг бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

Малака имтиҳонидан ўтмаган баҳоловчи малака имтиҳонидан ўтиш учун йиғим тўлаш шарти билан қайта малака имтиҳонидан ўтиш ҳуқуқига эга.

36. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур сертификатнинг бланкида махсус белги (ёзувни) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли тўлдирилмаган қаторлар мавжуд бўлмаган тақдирда, малака сертификати эгасига аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари

берилган баҳоловчининг малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

37. Малака сертификати эгасининг фамилияси, исми, шарифи ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, у 10 кун ичида Давлат мулки қўмитасига малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун баҳоловчи энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўлайди.

38. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши унинг эгаси томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида амалга оширилади, бунда аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификатининг янги бланки берилади, илгари берилган малака сертификати бланки Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

39. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига малака сертификати эгасининг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Малака сертификатининг эгаси малака сертификатининг йўқолганлиги ҳақида матбуотда эълон бериши ва эълон нусхасини Давлат мулки қўмитасига тақдим этиши керак.

40. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланкнинг юқоридаги бурчагига Дубликат ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши ва белгиланган тартибда тугатилиши лозим.

41. Дубликат беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартиби

42. Қўйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

баҳоловчининг аризаси;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш;

баҳоловчи томонидан баҳолаш давомида олинган маълумотларни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

43. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб унинг амал қилиши тўхтатилади.

Баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган йўл қўйилган қонун бузилишлари учун тўхтатилган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан

бошлаб баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиши тўхтатилишига сабабчи бўлган қонун бузилишларига йўл қўйган раҳбарнинг ва баҳоловчининг малака сертификатлари амал қилиши тўхтатилади.

44. Баҳолаш фаолиятини амалга оширишда малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатлари талабларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қўйидагилар киради:

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолашни амалга оширишда ҳолисликни таъминламаслик;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ва эксперт хулосасини нотўғри тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

баҳоловчининг назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ва бошқа тадбирларда ўзи штатида турадиган ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган баҳоловчи ташкилотнинг тегишли рухсатномасиз (буйруғисиз) мутахассис сифатида қатнашиши.

45. Малака сертификати қўйидаги ҳолларда Давлат мулки қўмитасининг қарорига биноан бекор қилинади:

Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги суд томонидан эътироф этилганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганда.

46. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

47. Баҳоловчилар қонун ҳужжатларини бузганлик учун малака сертификатлари бекор қилинган ёки уларнинг амал қилиши тўхтатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун имтиҳонга қўйилмайди.

48. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб борилади.

49. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори 5 кунлик муддатда малака сертификатининг эгаси ва баҳоловчи ишлаётган баҳолаш ташкилотига юборилади.

50. Баҳоловчи унинг малака сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ўз сертификатини Давлат мулки қўмитасига белгиланган тартибда тугатиш учун қайтариши шарт.

VII. Малака сертификатиغا эга баҳоловчиларнинг реестрини юритиш тартиби

51. Давлат мулки қўмитаси томонидан малака сертификатиغا эга бўлган баҳоловчиларнинг реестри юритилади ва унда қўйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва турар жойи;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши

тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

VIII. Яқуний қоидалар

52. Давлат мулки қўмитасининг малака сертификатини амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

53. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 13 июль*

Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитасига

Кимдан _____

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида А Р И З А

Менга баҳоловчи малака сертификатини олиш учун/амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20__ й. «____» _____

Шахсий имзо _____

* Керакли сўзларни тагига чизинг.

Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

1. Фамилияси _____
Исми _____
Шарифи _____
2. Туғилган
санаси _____

(йили, куни, ойн рақамлар билан ёзилади)

Фотосурат
ўрни

3. Паспорт
серияси _____ рақами _____
Берилган
санаси _____
Ким томондан
берилган _____

4. Маълумоти: _____
(ўқув юрти номи

факультети)

Тамомлаган
йили _____ диплом № _____
Диплом бўйича
мутахассислиги _____
Илмий даражаси,
илмий унвони _____

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

Т/р	Ишга кириш даври	Ишдан кетиш вақти	Иш жойи	Лавозими
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
...				

6. Сизни суд қарори бўйича баҳолаш ёки молия-хўжалик фаолиятини юритиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари бўлганми? Агар «Ҳа» жавоби берилса, қачон ва нима учунлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Уй манзили: _____

8. Боғланиш телефони _____ Факс: _____
коди рақами код рақами

9. Сўровнома тўлдирилган сана: 20__ й. «__» _____.

Шахсий имзо _____

Баҳоловчи малака сертификатини бериш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 3-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси герби

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

№ _____ -рақам

Фотосурат
 ўрни

Тошкент ш. _____ 20__ й. «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан _____

(кимга — баҳоловчининг Ф.И.Ш.)

(паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган баҳолаш ташкилоти номидан мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Давлат мулки қўмитаси раиси
 (раис ўринбосари) _____

М.Ў.

Баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиш муддати:

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____ гача
узайтирилган.

Имзо _____ М.Ў.

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____ гача

Имзо _____ М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

308 Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим
буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
5 августда 1841-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 15 августдан кучга киради)

Идоравий меъерий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларининг
(2000 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 979) 83 ва 84-бандларига мувофиқ **бюра-
ман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 27 июндаги 60-сон
«Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисо-
би ҳақида Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2006 йил
24 июль рўйхат рақами 1601 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2006 й., 30-сон, 298-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 24 октябрдаги 90-сон
«Самарқанд вилояти ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида Вақтинчалик
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар кири-
тиш ҳақида»ги буйруғи (2006 йил 11 ноябрь, рўйхат рақами 1601-1 — Ўзбекистон
Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 464-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 июль,
79-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

309 Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 августда 1105-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2008 йил 15 августдан кучга киради)

«Идоравий норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» (2000 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 979)нинг 83 ва 84-бандларига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 6 февралдаги 30, 210-В ва 2002-28-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низом» (2002 йил 6 март, рўйхат рақами 1105 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
81-сон

Р. АЗИМОВ

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
16/3-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Давлат солиқ

309-модда

— 70 —

31-32 (323-324)-сон

қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
2008-36-сон

—

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 26 июлдан 8 августгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори.*

2008 йил 4 августда 1840-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 августдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 июлдаги 79-сонли буйруғи.*

2008 йил 5 августда 1841-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан кучга киради).

3. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 июлдаги 81, 16/3, 2008-36-сонли қарори.*

2008 йил 5 августда 1105-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Баҳоловчи ихтисослигини олишлари учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (рўйхат рақами 1244, 2003 йил 26 май).*

Адлия вазирининг 2008 йил 4 августдаги 167-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Профессional баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1660, 2007 йил 2 март).*

Адлия вазирининг 2008 йил 4 августдаги 167-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида газначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида Вақтинчалик қоидалари, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1601, 2006 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1601-1, 2006 йил 11 ноябрь).*

Адлия вазирлигининг 2008 йил 5 августдаги 168-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1105, 2002 йил 6 март).*

Адлия вазирлигининг 2008 йил 5 августдаги 169-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестрдан чиқарилди.

III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги СБ/04-01-32-14/559 ва 16-1-7395-сонли хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаши;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

-

+